

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 9

Пайарик шаҳри

« 12 » «октябрь» 2022 йил

ООО FLORIDA STAR , кейинги ўринларда "Хизмат курсатувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ж.Абдуллаев номидан, бир томондан ва Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбар М.Баратов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Хизмат курсатувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Баҳоси	Суммаси
1	мавсумий гуллар, полиэтилен пакетчаларда, буйи 10-15 см	пачка	1000	24800	24800000
Жами:					

1.2. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС сиз 24800000 (йигирма тўрт миллион саккиз юз минг ) сўмни ташқил қилади.

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани Пайарик туман бўйича Ҳазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликкашз мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Хизмат курсатувчи" аванс маблағлари Хизмат курсатувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Хизмат курсатувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Хизмат курсатувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Хизмат курсатувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Хизмат курсатувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Хизмат курсатувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Хизмат курсатувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

### 2022 й « 12 » октябрдаги № 9 - сонли шартноманинг 1 варағи

- Хизмат курсатувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида

етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Хизмат курсатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида

етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Хизмат курсатувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Хизмат курсатувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 15 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек Хизмат курсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи Хизмат курсатувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат курсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қанолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисобкитобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот Хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи Хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.3. Хизмат курсатувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича Хизмат курсатувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Хизмат курсатувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима Хизмат курсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар Хизмат курсатувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

#### 2022 й « 12 » октябрдаги № 9 - сонли шартноманинг 2 варағи

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун Хизмат курсатувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан

ташқари, ўз кучи билан, лекин Хизмат курсатувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Хизмат курсатувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат килган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Пайарик тумани бўйича Ғазначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. " 31 " декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

### 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Буюрмачи»

ООО FLORIDA STAR

(мол Хизмат курсатувчининг номи)

Манзил: Пайарик тумани

Тел:

х/в: 2020800080535819001

Банк номи: "АТБ Турон банк"

МФО: 00446 СТИР: 309788208

ОКОНХ:

Раҳбар:

Ж.Абдуллаев

(имзо)

М.У.

Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)  
Манзил: ЎЗБЕКИСТАН, Самарқандская область

Тел./факс 998937202003

ш/х 100010860182247092901079001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 203381951

ОКОНХ 92120

Ғазначилик номи Молия вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Мар.банк Тошкент ш. Бош

бошқармаси ХККМ

МФО 06014

ғазначилик СТИРи 207317424

Ҳуқуқий маслаҳатчи А.Абдуллаев

Лицензия (диплом) № берилган санаси: 2022.09.28

«11» 07 2022 й

Ҳуқуқий маслаҳатчи \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № берилган санаси: \_\_\_\_\_

«\_\_» \_\_\_\_\_ й

2022 й « 12 » октябрдаги № 9- сонли шартноманинг 3 варағи

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби**  
**директори, комиссия раиси**



Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби ховлисига мавсумий гул кучатларини  
экиш хизмати бўйича хизмат кўрсатувчи таъкидотлар ўртасида танлов  
ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Пайарик туман

« 12 » октябрь 2022 й.

Раислик қилувчи

М.Баратов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

С.Талимов

Комиссия аъзоси,

Л.Назаров

Комиссия аъзоси,

Ж.Норкулов

Комиссия аъзоси,

Х.Нишонов

Комиссия аъзоси,

Т.Уролов

Котиб

**КУН ТАРТИБИ:**

Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби ховлисига мавсумий гуллар  
кучатларини экиш хизмати бўйича

---

Дирекция томонидан 2022 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби ховлисига мавсумий гул кучатлари экиш хизмати бўйича №154951-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 8 октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби ховлисига гул кучатлари экиш хизмати бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан ООО FLORIDA STAR корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай

эътирозлар ёки кўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Пайарик 1-сон касб-хунар мактаби бош бухгалтери Т.Уроловга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 8 октябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб ООО FLORIDA STAR корxonаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Директор уринбосари Л.Назаровга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия азолари



Л. Назаров.

С. Тамминов.

Х. Нишонов

М. Норкулов.